



Ислом Нури

Савол:

Агар намозда ўкиладиган зам сурада сажда ояти келиб колса (масалан Икром сурасинг охириги ояти) нима килиш керак (дарров сажда килиш керакми ёки намозда давом килиш керакми)?

Жавоб:

Сажда ояти келганда сажда килиш суннат, агар хохла сажа килади, хохламас килмайди. Килса яхши, килмас гунохкор бўлмайди. Бирок, гунохкор бўлмас экан деб доимо тарк килиш дуруст эмас.

Рабиъа ибн Абдуллох Умар розияллоху анху билан hozir бўлганини ривоят килади: Умар розияллоху анху минбарда туриб «Нахл» сурасини ўкиди, саждага етгач тушди ва сажда килди, одамлар ҳам сажда килдилар. Келаси жумада ҳам айни сурани ўкиб саждага етганларида одамлар сажда килишга шайланиб туришга эди: Эй, одамлар биз сажда оятларидан ўтамиз, бас, ким сажда килса, тўгри килибди, ким сажда килмас унга гунох бўлмайди, деб сажда килмадилар. Нофиъ Ибн Умар розияллоху анхумодан ушбу зиёдани келтирди: Албатта Аллох бизга саждаларни фарз килмади, магарам биз хохла сажда киламиз. Имом Бухорий ривояти.

Сиз мисол килган сурада сажда охириги оятда келади шунинг учун агар хохла сажа кетади, сажда килишни хохла такбир айтиб саждага боради бир бор сажда килгандан кейин такбир билан киёмга туради, тик тургандан кейин такбир айтиб рукуъга боради. Тик турганда бирор нарса ўкимади. Агар сажда ояти кироат асносида келса хохла такбир билан саждага боради кейин яна такбир билан киёмга туради ва кироатида давом этади, «бисмиллах» айтмайди. Агар



Ислом Нури

Намоздаги кироат асносида сажда ояти келса нима килинади? | 2

сажда килишни хохламаса кироатида давом этаверади. Намоз охирида ёки кейин сажда килмайди.